

4.3. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Хизмат кўрсатувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.4 Тўловларни ўз вақтида тўланмаганлиги учун "Буюртмачи"ни ҳисоб рақамига Хизмат кўрсатувчи томонидан такдим қилинган счет фактура ва огоҳлантириш хатига асосан солиштирма далолат бўлмаса ҳам тўлов талабномаси банкдаги ҳисоб рақамига қўйилади.

4.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

4.6. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ «Хизмат кўрсатувчи» томонидан қопланади.

V. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу Шартнома мажбуриятларининг ижроси ёки қисман ижроси енгиб бўлмайдиган куч (ер кимираши, ёнғин, сув тошқини, портлаш, бинонинг чўкиши, эпидемиологик вазиятлар ва бошқа табиий офатлар, уруш ва уруш ҳаракатлари) оқибатида томонлар тарафидан таъминланмаса, улар шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича жавобгарликдан озод этиладилар. Бундан ташқари; электр энергиянинг қисқа муддатда ўчиб ёниши оқибатида ахборот коммуникацияларига зарар етганда, совуқ сув ва иситиш тизимининг ишдан чиқиши натижасида Буюртмачига зарар етган ҳолатда хизмат кўрсатувчи жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VI. ШАРТНОМА МУДДАТИ

6.1. Шартнома муддати (Хизмат кўрсатиш муддати) 25.01.2022 йилдан бошланади ва 31.03.2022 йилдан тугайди.

6.2. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, вилоят Ҳазначилик бошқармасида белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича юзага келган барча низолар томонларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал қилинади.

7.2. Томонларнинг ўзаро келишувида ечимини топмаган низолар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.



VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Ушбу Шартнома унда кўрсатилган муддат тугагунга қадар томонлардан бирининг ёзма хатда (чиқиш рақами, йили ва санаси қўйилиб, расмийлаштирилган ҳолда) ифодаланган асосли сабаблар кўрсатилган ва камида 1 (бир) ой олдин берилган огоҳлантириш асосида бузилиши, вилоят ҳокимлигининг топшириғига асосан 3 кун муддат ичида бошқа қаватга қўчириш ёки бинодан чиқариш мумкин.

8.2. Ушбу Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро келишуви асосида имзоланган ҳамда ёзма равишда ифодаланган шаклда киритилади. Бундай қўшимчалар шартноманинг ажралмас қисми саналади.

8.3. Ушбу Шартнома 2 (икки) нусхада ўзбек тилида тузилди. Ҳар иккала нусха ҳам бир хил ва бирдек юридик кучга эга. Шартнома томонларнинг ҳар бирида бир нусхадан мавжуд.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

"Хизмат кўрсатувчи"	"Буюртмачи"
Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Кенгашлар уйидан фойдаланиш бошқармаси	Ташкилот номи: Ўз Рес ИСС Миллий Палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлини маси
Манзил : Самарқанд шаҳар Кўксарой майдони 1-А уй	Манзил: Сам. шаҳар Кўксарой майдон 1а уй
Тел. :66 235-10-84	Тел. Факс:
х/р:20208000500436191001	Х/Р: 100021860184017076909283001
Банк номи: ТИФ Миллий банки Самарқанд вилоят бўлими	Банк номи Марказий банк Т.ш филиал ХХҚМ
МФО:00278 СТИР:201212634	МФО:00014 СТИР: 204098519
Бошқарма бошлиғи в.в.б.  С.Болтаев	Раҳбари 
Имзо	Имзо
Ҳуқуқшунос: Ф.И.Ш.	Ҳуқуқшунос: Ф.И.Ш.
Имзо	Имзо

Ҳуқуқшунос: 